O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 2 апрель, № 68 (4731) Пайшанба

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЮКСАЛИШ ВА ЗИЁ МАСКАНИ

Истиқлол йилларида ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом инсонлар қилиб тарбиялаш борасида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, республикамиздаги мавжуд таълим-тарбия муассасаларининг фаолияти тубдан яхшиланди. Айни пайтда шундай имкониятлар туфайли самарали иш юритиб, қатор муваффақиятларни қўлга киритиб келаётган илм ва зиё масканлари кўп.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ахборот-ресурс маркази

Хусусан, яқинда Нукус шаҳрида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси болалар кутубхонаси ахборот-ресурс марказига Японияндан хушхабар келди. Маълум бўлишича, кунчиқар мамлакатнинг Нарита шаҳрида ўтказилган XI халқаро болалар бадиий кўргазмасидан ахборот-ресурс маркази томонидан жўнатилган бир қанча расмлар ҳам ўрин олибди. Йигирма нафар қорақалпоқ ёшлари томонидан чизилган ушбу расмлар орасида, айниқса, Айнура Сапакеева ва Темурбек Умрхоновнинг асарлари кўргазма иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилиб, махсус сертификат ҳамда совринлар билан тақдирлашга лойиқ деб топилибди. Шу муносабат билан марказда ўтказилган тадбирда халқаро кўргазма иштирокчиларига Японияндан жўнатилган сертификат ва совғалар тантанали равишда топширилди.

Хўш, истеъдодли ёшларнинг халқаро миқёсдаги муваффақиятларида ахборот-ресурс марказининг қандай ҳиссаси бор? Гап шундаки, бу ерга келган болалар зиё масканида жамланган китобларни мутолаа қилиш билан бирга, марказда ташкил этилган замонавий ахборот хизматлари ҳамда турли тўгараклар фаолиятидан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин. Хусусан, жажжи китобхонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида фаолият кўрсатаётган "Сурат чизиш" ва "Қизлар" клублари шулар жумласидан. Мазкур клублар аъзолари ўртасида ҳар йили "Йилнинг энг чевар маликаси", "Йилнинг энг яхши ёш қаламкаши" каби қатор анъанавий танловларнинг ўтказиб келинаётгани истеъдодли болаларни аниқлаш ва уларнинг иқтидорини камол топтиришда катта аҳамият касб этаяпти. Натижада зиё масканига келаётган болалар сони кун сайин ортиб бормоқда.

— Президентимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида зиё масканимиз Республика болалар кутубхонаси ахборот-ресурс маркази сифатида қайта ташкил этилган эди, — дейди марказ директори Зулфия Сейитниязова. — Бу ерда 117477 дона китоб фонди сақланмоқда. Мактабгача ва кичик ёшдаги ҳамда ўрта ёшдаги китобхонларга хизмат кўрсатувчи бўлимларимиз ўғил-қизлар ихтиёрида. Шунингдек, марказимизда Янги ахборот технологиялари ва интернет синфи, Ахборот-библиография ҳамда ўсимлик-шунослик бўлимлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 4-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Мамлакатимизга ташриф буюрган Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Альфредо Мантика раҳбарлигидаги делегация 1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар ўтказди.

Италия делегацияси Ўзбекистонда

Учрашувларда Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Мулоқотлар чоғида мазкур йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан таништирилди.

Италия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

Беруний туманидаги "Лико-Роотс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ.

Ҳамкорлик самараси

Доривор ўсимликлар ва ширинмия илдизидан экстракт олишга ихтисослашган ушбу қўшма корхонага 135 миллион сўмлик хориж инвестицияси жалб этилгач, ишлар юришиб кетди. Буни ўтган йили қўшма корхона томонидан 112 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хорижга 51,2 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилингани ҳам кўрсатиб турибди.

Айни пайтда корхонада ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш юзасидан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробарга оширилади.

А. ҲИДОЯТОВ.

Бухорода "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида "Биз — бир жамоамиз!" акцияси ўтказилди.

«Биз — бир жамоамиз!»

Унда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва уларга яратиб берилаётган имкониятлар хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, тадбирда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази қошида иш бошлаган бандликка кўмаклашувчи марказнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон ва кам таъминланган оилалар фарзандларига совға-саломлар улашилиб, улар учун дастурхон тузатилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

Жиззахдаги "Маҳалла маркази"да "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган "Биз — бир жамоамиз!" акцияси ўтказилди. Акция чоғида вилоятдаги 300 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган болаларга турли совға-саломлар улашилди. Шунингдек, байрам дастурхони тузатилиб, хайрия концерти намойиш этилди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол йилларида юртимизнинг хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари доирасида мамлакатимиз таълим тизимида ҳам беқиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўзаро алоқалар кенгаймоқда

Хусусан, дунёнинг қатор ривожланган давлатларидаги таълим даргоҳлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалиётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар бу соҳадаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш учун қўшимча имконият яратяпти.

Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳамда Германиянинг халқаро ривожлантириш жамғармаси (DSE) ўртасида 2002 йил ноябрь ойида имзоланган келишув ҳам айнан шу соҳадаги ҳамкорликка қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби Бельгия сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бельгия давлат вазири Марк Эйскенс:

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ МУҲИМ ВА СЕРҚИРРАЛИДИР»

Бельгия давлат вазири, мамлакат собиқ бош вазири ва етакчи сиёсатчиларидан бири Марк Эйскенс «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида Президент Ислом Каримовнинг асари ниҳоятда долзарб мавзуга бағишланиб, замонамизнинг энг кескин муаммоларидан бири бўлиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўғрисидаги билимларни ҳар томонлама оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Асарнинг ўзига хослиги шундаки, у ёритилаётган мавзу ва танланган муаммо борасида ягона бўлиб, айни пайтга қадар, бошқа давлатлар раҳбарлари бу каби китобга қўл урмаган.

«Мазкур асар мамлакатингиз раҳбарининг инқирозни ҳал этиш ишига қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда бу борадаги ниҳоятда ўринли ва асосли тамойилларини акс эттиради. Буни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишга арзийди, — дейди М. Эйскенс. — Асарнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, унда мамлакатнинг улкан салоҳияти, Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятнинг прогрессив таҳлили ҳамда жаҳон молиявий инқирози ва уни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Буларнинг бари мамлакатнинг истиқболдаги тараққиётини белгилаш, унинг бор имкониятини тараққиёт мақсадларига йўналтириш ва сафарбар этиш имконини беради».

Ўзбекистон ҳукуматининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳақида гапириб, М. Эйскенс Ўзбекистоннинг банк тизими бошқа кўплаб мамлакатларга қараганда, жаҳон молиявий инқирози таъсиридан унчалик зарар кўрмаганини таъкидлайди. Сиёсатчининг фикрича, бу Ўзбекистон банклари кредитларни асосланган шартларга мувофиқ ажратиши билан изоҳланиб, китобда мамлакат банкларининг етарли даражада капиталлашганини тасдиқ-

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ОМИЛЛАРИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимизни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Президентимизнинг мазкур асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил қилинган. Инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга йўналтирилган амалий тавсиялар берилган.

Маълумки, йирик ривожланган мамлакатларда узоқ йиллардан буён мутасил давлат бюджети тақчиллиги кузатилгани ва уларнинг салбий ташқи савдо балансига эга эканлиги, давлат ташқи қарзининг миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори бўлаётгани, ривожланган мамлакатларда қайта молиялаш ставкасининг паст даражада ушлаб турилиши оқибатида жаҳон капитал бозорида арзон кредитларнинг вужудга келиши, ипотека кредитлари бериш талабларининг асоссиз равишда бўшаштириб юборилганлиги, молиявий институтларнинг ўз маблағлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши, жаҳон иқтисодиётида реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин ўзгариши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келиб чиқишига сабаб бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миқёси, кўлами ва оқибатлари, авваламбор, муайян мамлакатнинг молия-валюта тизими қай даражада ривожланганлиги, миллий кредит институтларининг капиталлашуви ва ликвидлилиги (тўлов имконига эга эканлиги) ҳамда уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига нечоғли қарам эканлигига, мамлакатнинг олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, диверсификация ва рақобатбардошлилик даражаси каби омилларга боғлиқдир.

Бундай омиллар турли мамлакатларда турлича таъсир кўрсатиши ва инқирозга қарши чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда булар эътиборга олиниши зарур. Айни пайтда инқироздан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг нечоғли самарадорлигига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, 2008 йилнинг декабрь ойида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармасининг миссияси томонидан кўплаб давлатларда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз ва ривожланган давлатлар иқтисодий салоҳияти пасайиши кузатилаётган бир пайтда, 2008 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги сақлаб қолинганлиги, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 9 фоизни ташкил этганлиги, мамлакатда ташқи савдо баланси ва бюджетнинг сезиларли профицити, валюта захираларининг ошаётганлиги ва пул-кредит сиёсати барқарорлиги сақланаётганлиги эътироф этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели нақадар тўғри ва пухта эканини яна бир бор исботлади.

Авваламбор, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар дунёда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ўзининг ҳаётийлигини намоён этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридан асрайдиган ҳимоя воситасини ўтамоқда.

(Давоми 2-бетда).

БЕМОРЛАРГА ШИФО БАҒИШЛАБ

Яқинда тошкентлик Гулноза Мирхалилова шифокорлар ёрдами билан яна ҳаётга қайтди. Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида амалга оширилган ноёб операция туфайли унинг юраги яна ура бошлади. Шу пайтгача Марказий Осиёда бундай жарроҳлик амалиёти ўтказилмаган эди.

Саломатлик

Италиялик кардиожарроҳлар ўзбекистонлик шифокорлар иштирокида орттирилган юрак аортал девори хасталиги ҳамда аорта клапанини тезкор даволаш, айни пайтда аортанинг кўтарилувчи қисмини алмаштириш бўйича жарроҳлик амалиётини бажарди. Шу кунларда улар ўзаро ҳамкорликда тажриба алмашиш доирасида турли мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказмоқда. Бу Ўзбекистон билан Италия ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда ўтган йилнинг ноябрида В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази билан Бергамо шаҳри "Риунити" шифохонаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг амалий натижасидир. Мазкур ҳужжатда ўзаро тажриба ва мутахассислар алмашинуви кўзда тутилган.

Италиялик жарроҳларнинг Ўзбекистонга бешинчи маротаба келиши. Бу гал Тошкентга юқори малакали шифокорларнинг икки гуруҳи — катта ёшдагилар ва болалар кардиожарроҳлиги бўйича мутахассислар ташриф буюрди. Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда улар кичик ёшли беморлардаги турли туғма юрак хасталикларини ҳам даволамоқда. Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида бир неча соатлик ноёб операцияларни ўтказишдан ташқари, беморларга маслаҳатлар бериш ташкил этилган. Шунингдек, юрак хасталиклари ва замонавий кардиожарроҳликнинг долзарб муаммолари муҳокамасига бағишланган илмий семинарлар ҳам ўтказилмоқда.

Икки мамлакат кардиологларининг ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантириш учун айнан мазкур шерикларнинг танлангани тасодиф эмас. В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифати бўйича нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун МДҲ ҳудудидаги энг йирик тиббиёт муассасаларидан ҳисобланади. Бу ерда 12 та клиника, реанимация ва маслаҳат-диагностика бўлимлари мавжуд бўлиб, улар энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Юқори малакали шифокорлар ташхис қўйиш ва даволаш ишларини, шу жумладан, тезкор жарроҳликларни энг илғор тиббий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Юрак, қон томирлар, кўкрак ва қорин бўшлиғи хасталикларини даволашда кам шикастловчи даволаш усуллари кенг қўлланилиши эса, мураккаб операциядан сўнг беморларнинг соғайиш муддатини бирмунча қисқартиради. Ҳар йили бу ерда 4,5 мингдан зиёд операция амалга оширилади, уларнинг 70 фоизи юқори технологиялар ёрдамида бажарилади.

(Давоми 4-бетда).

Бельгия давлат вазири Марк Эйскенс:

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ МУҲИМ ВА СЕРҚИРРАЛИДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

ловчи қатор факт ва рақамлар келтирилган. Бу эса соф капитал билан кредитлар ўртасидаги мутаносиблик таъминланганини англатиб, мазкур омил банкларнинг бошқа давлатларда учраётгани каби асоссиз таваккалчилик таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов дунёнинг иқтисодий келажаги борасида аниқ тасаввурга эга. Биринчидан, глобаллашув жараёнлари давом этиб, жаҳон ягона бозорга айланмоқда. Иккинчидан, бозор, шахсий ташаббус ва давлат ўртасида ўзаро тўлдирувчанлик бўлиши даркор. Шу билан бирга, ҳокимият бозор фаолиятини бир оз бўлсада, тартибга солиб туриши керак, негаки, бозорда ҳам «ҳаёт учун курашда энг кучлилар ютиб чиқиши»ни англатувчи дарвинизм қоидалари, қайсидир маънода, амал қилади — бу бозор қонуни, акс ҳолда фойда олинмайди. Бугун иқтисодчилар ҳамкорлик ва рақобат ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақида кўп гапиришади. Бу эса тизимнинг икки асосий қисми — бозор ва ҳукумат биргаликда ҳаракат қилиши кераклигини англатади.

Президент Ислом Каримовнинг асарида келажак таҳдидларига қарши туриш учун асосий эътибор янги технологияларни ривожлантиришга қаратилиши зарурлиги ҳақида гапирилади. Иқтисодчилар тили билан айтганда, инновацион рақобатни таъминлаш керак.

Ўзбекистонда таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш йўлида кенг саъй-ҳаракатлар қилинмоқдаки, бу бошқа мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш учун ниҳоятда муҳимдир. Масалан, Европада «Эрасмус» талабалар алмашинуви дастури мавжуд бўлиб, Ўзбекистоннинг унда иштирок этиши истиқболларини кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди», дейди М. Эйскенс.

Суҳбат якунида бельгиялик сиёсатчи Ўзбекистонга қилажак сафарини сабрсизлик билан кутаётганлигини таъкидлади. «Гўзал юртингиз ҳақида кўплаб фильмларни томоша қилганман, юртингиз тарихи, қадимий шаҳарлари, халқингизнинг бой маданияти ҳақида кўп ўқиганман. Ўзбекистон — инсоният тарихида муҳим ўрин тутувчи мамлакат, сизнинг кўп асрлик цивилизациянгиз қадим замонлардан буён муҳим аҳамият касб этиб келади.

Президент Ислом Каримов асарининг мутолааси менда Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирози таъсиридан ишончли ҳимояланишга мўлжалланган қатор тадбирлар амалга оширилганига ишонч уйғотди».

«Жаҳон» АА.
Брюссель

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ОМИЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо, Президентимиз таъкидлаганидек, тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деб қараш мумкин эмас. Глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон ҳам жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини ҳис этмоқда.

Хусусан, жаҳон хом ашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитларнинг нархи тушиб бормоқда. Асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид, тўлов қобилиятининг пасайиши экспорт тушумининг камайишига олиб келмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг тўғри танланганлиги, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини олдини олиш ва юмшатиш имконини берадиган омилларнинг шакллантирилганлиги ушбу инқирознинг иқтисодиётимизга таъсирини камайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва капиталлашув даражасини оширишга қаратилган сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2005-2008 йилларда Президентимизнинг тижорат банкларининг капиталлашув даражасини оширишга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Тижорат банкларининг устав капитали миқдорини ошириш мақсадида 491 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Пухта ўйланган пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши натижасида инфляцияни прогноз кўрсаткичлари чегарасида сақлаб қолишга эришилмоқда. Бюджет-солиқ сиёсати тўғри олиб борилаётгани туфайли Давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда, солиқ юки мунтазам пасайиб бормоқда. 2008 йилда Давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоизни ташкил қилди. Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришларни амалга оширишга муваффақ бўлинди.

2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдорининг барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. 2008 йилда иқтисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестициялар 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Шуниси аҳамиятлики, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизи тўғридан-тўғри жалб қилинган „инвестициялар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий йилда мамлакатимизга 1 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз ташқи қарзининг мўътадил даражасини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлар асосий куч сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шу боис фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан катта миқдорда моддий ва молиявий ресурслар ажратилмоқда. 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг муҳим турларини етиштириш учун фермер хўжаликларига давлат томонидан бир триллион сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди. Жорий йилнинг ўтган даври якунлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, ишончли натижаларини бераётганини кўрсатмоқда.

Мазкур дастурда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан юқори технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно) озод қилиш муддатини узайтириш, банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш ва бошқа муҳим имтиёзлар беришга доир вазифаларнинг ҳал этилиши кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш, жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби ғоят муҳим вазифалар белгиланган.

Гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ҳамда кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 2012 йилнинг 1 январига қадар 50 фоизга қисқартириш, тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш кўзда тутилган.

Инқирозга қарши чоралар дастурида акс этган бундай тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олишда, демакки, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Абдураҳим ВАҲОБОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.
(ЎзА).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЎСМОҚДА

Фарғонада фаолият кўрсатаётган "Uzsalaman" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ўсиб, маҳсулот тури кўпайиб бормоқда.

Табиийки, корхона жамоаси биргина мазкур муваффақият билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Аксинча, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш йўлида тинмай изланмоқда. Айни вақтда тайёр маҳсулотни харидорга етказиш мақсадида жойларда фирма дўконлари ташкил этилаётир. Жумладан, корхона қошидаги ва Қарши шаҳридаги фирма дўконлари мижозлар орасида аллақачон шуҳрат қозониб улгурди.

Интилиш

Шунингдек, Олмалиқ ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинатлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги ушбу корхона учун манфаатли бўлмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Муяссар Раҳматуллаева.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш вазифаси, аввало, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — ЮТУҚ КАФОЛАТИ

Айни пайтда бу иш самарадорлиги маҳсулот сифати кўрсаткичларига боғлиқ ҳисобланади.

Ана шу боғлиқлик мутаносиблигини шакллантириш борасида Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тармоқда ютуқлар кўламини кенгайтирмоқда. 2008 йилда воҳада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,8 фоизга ўсганлиги, маҳсулот турлари кўпайиб, сифати яхшиланаётгани шундан далолат беради.

Айниқса, Жарқўрғондаги нефтни қайта ишлаш Ўзбекистон — Россия, Шероботдаги "Агросаноат-Шиндонг" Ўзбекистон — Корея қўшма корхоналари, вилоят марказий механика устахонаси, Бойсундаги "Жило-файз" хусусий фирмаси каби ўнлаб жамоалар технологик жараёнларни такомиллаштириш эвазига ўз фаолиятлари равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратмоқдалар.

Модернизация

Ҳа, эртанинг равнақини ўйлаган киши бунга бугундан эътиборан тадбир кўради. "Сурхон комбинати" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда, худди шу жиҳат эътиборимизни тортди.

Бир йил аввал мазкур корхонада хорижлик сармоядорлар ҳамкорлигида шифер ишлаб чиқариш цехи ишга туширилган эди. Цех маҳсулотининг бозори ёмон бўлмади. Сифати ҳам дуруст эди. Лекин жамоани бу меъёрлар қаноатлантирмади. Маҳсулотнинг мўртлигини пасайтириб, эгилувчанлигини ошириш, тежамкорликка эришиш талаб этиларди.

Бу ишларни уддалашга энди жамоа муҳандислари ва ишчиларининг ўзлари бел боғладилар. Шу вақтгача цемент ва алибастр шунчаки қориштирилиб, қолипларга қуйиларди. Қирқма қоргичга қўшимча қисмларни пайвандлаш мақсадида унинг ичига глиндр — металл парраклари ўрнатилди. Глиндр қоришмани ҳам айлантиради, ҳам уни пишитиб шиширади. Бошқача айтганда, оддий қоришма эмас, қиём ҳосил қилинади. Ана шу қиём насос орқали тасмага узатилади. Тасмадан эса бир текисда қолипларга қуйилади.

— Шу жараёнда биз хориждан келтирилган қоришмани ҳайдаб берувчи насосни ҳам мослаштирдик, — дейди чилангар Элдор Еникеев. — Насос ўқининг сальник ўрнатилган жойини ўзгартирдик. Сальникдан эндиликда сув ўтиб кетиб, подшипникларни ишдан чиқармайдиган бўлди.

Дарҳақиқат, бугун натижа кўнгилдагидек. Илгари кунига цехда 700 дона шифер ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 2000 донадан ортди. Демак, самарадорлик 3 баробар кўпайиши билан бирга, истеъмолчининг дидига мос, сифати юқори маҳсулотни бозорга чиқариш йўлга қўйилди.

— "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл қурилишига корхонамиз аҳли 5 миллиард сўмлик 168 турдаги темир-бетон ашёсини етказиб берган эди, ҳозирда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати буюртмасини қабул қиляпмиз, — дейди бош муҳандис Ўрозали Хуррамов. — Унга кўра, "Хонжиза" кони қурилишини юқори босимли темир-бетон қувурлари, лотоклар, блоклар ва плиталар билан таъминлашимиз керак.

Корхона раҳбари Ўрол Жабборов Хитой Халқ Республикасида сафарда бўлганини айтиб қолди.

— Хитойда янги технологик линияларни ўрнатиш юзасидан ўзаро келишувга эришдик, — деди у. — Бу келишувга мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг уй-жой қурилишига ашёлар ишлаб чиқаришни кенгайтирамиз. Йирик ғишт заводи қурамиз. Иш ўринларини эса икки бараварга кўпайтирамиз. Зеро, мақсадимиз битта: қишлоқларда ҳам кўпдан-кўп замонавий уй-жойлар бунёд этилишига эришиш.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли дастурхони файзли

Учқудуқ туманида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида иссиқхона бунёд этилди. Унга "Учқудуқ — Валишоҳ" хусусий корхонаси томонидан асос солинди.

Яхши хабар

30 сотих майдондаги мазкур хўжаликда меҳнат қилаётган 15 нафар киши томонидан номавсумий муддатларда помидор ва бодринг, турли кўкат ва анвойи гуллар, шунингдек, қўзиқорин етиштирилмоқда. Дастлабки маҳсулот аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

Туманда йил охиригача яна 4 та иссиқхона қурилиши кўзда тутилган.

Комила СОДИҚОВА.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жараёнда қонун устуворлигини таъминлаш учун миллий қонунчилик асослари яратилиши баробарида унинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослиги таъминланмоқда.

ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

Қонунчиликда ҳам, амалда ҳам жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятчилик, айниқса, коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясининг мамлакатимиз томонидан ратификация қилингани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, коррупция — инсон ҳуқуқини бузишга, иқтисодиётни ердан чиқаришга, энг ёмони, башарият хавфсизлигига дахл қилувчи жиноятларга йўл очади. Шунинг учун мазкур жиноятга қарши кураш долзарб аҳамиятга молик бўлиб, 2003 йил 31 октябрда БМТнинг юқорида номи қайд этилган конвенцияси қабул қилинган.

Пойтахтимизда ўтган БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясини миллий қонунчилик ва амалиётга имплементация қилиш масалаларига бағишланган халқаро семинарда шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЕХҲТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ), Жаҳон банки экспертлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар ходимлари, иқтисодчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А. Шарафиддинов мамлакатимизнинг мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга қўшилгани коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш самарадорлигини оширишга, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни мустаҳкамлашга янада кенг йўл очганини таъкидлади. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан тайёрланган, коррупцияга қарши кураш юзасидан қатор қўшимча чора-тадбирларни, шу жумладан, бу соҳада халқаро ҳамкорлик таъминланишини назарда тутувчи "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Мазкур Қонун Давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 7 июлда имзоланди ва кучга кирди.

— Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясини ратификация қилгани нафақат БМТ, балки бутун халқаро ҳамжамият томонидан улкан хайрихоҳлик билан кутиб олинди ва кенг қўллаб-қувватланмоқда, — дейди БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Ж. Каллахан. — Чунки мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши ва кучга киргани давлатингизнинг коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этаётганидан далолатдир. Қолаверса, Ўзбекистон ушбу конвенцияни имзолаш орқали бошқа кўплаб давлатларга ўрнак бўлди. Энг муҳими, Конвенцияни қонунларга ва амалиётга татбиқ этиш жараёнининг изчил бажарилиши мамлакатингизнинг бу борадаги нуфузини янада оширади. Шу маънода бугун мазкур анжуманга дунёнинг кўплаб давлатларидан амалиётчилар ва экспертлар ташриф буюргани, ушбу мавзу бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилгани соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу келишувга мувофиқ тузилган "Ўзбекистонда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" ҳамкорлик лойиҳаси асосида 2003-2009 йиллар давомида мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ходимлари малакасини ошириш кўзда тутилган.

Кеча пойтахтимиздаги "Radisson SAS Tashkent" меҳмонхонасида бўлиб ўтган анжуманда мазкур лойиҳанинг амалий натижалари муҳокама этилди. Тадбирда республикамиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда касб-ҳунар коллежлари раҳбар ходимлари иштирок этди.

— Бугунга қадар 118 нафар педагог ва раҳбар ходимларимиз лойиҳа доирасида Германияда 6-7 ойлик ўқув курсларида малака ошириб қайтишди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори З. Сатторов. — Улар, асосан, металлга ишлов бериш, сантехника жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, автомобилсозлик, ахборот-коммуникация технологиялари ва электротехника йўналишлари бўйича тажриба орттириб қайтишди. Шунингдек, 38 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ходими ҳамда 31 нафар педагог ҳам Германияда ўтказилган бир ойлик малака ошириш курслари ва семинарларда иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Германия Халқаро малака ошириш ва ривожлантириш ташкилотининг Марказий Осиё лойиҳалари бўйича ҳудудий координатори Регине Райм, "Ўзбекистонда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" ҳамкорлик лойиҳаси раҳбари Ральф Гробелнилар Германияда малака ошириб қайтган ходимлар билим ва тажрибасини республикамизда оммалаштириш борасида амалга оширилган ишларга юқори баҳо бердилар.

Дарҳақиқат, 2003-2008 йилларда шу мақсадда республикамизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар, амалий семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бинобарин, лойиҳа доирасида малака оширган ўқитувчилар томонидан махсус ўқув адабиётлари, ўқув-услубий қўлланмалар, жиҳозлардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда республикамиздаги касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнида ушбу адабиётлар, услубий қўлланмалардан кенг фойдаланилмоқда.

Фаррух БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ МУРОДУЛЛО САИДОВ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги оғир жудоликка учради. Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган тажрибали раҳбар, таниқли пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулло Саидов 74 ёшида вафот этди.

Муродулло Саидов 1935 йилда Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида туғилди. 1957 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини битириб, меҳнат фаолиятини Бешкент туманида хўжалик агрономи сифатида бошлади. Сўнг бир неча йил давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги соҳасида турли лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Айниқса, мустақиллик йилларида у ўзини деҳқончилик илмининг ҳақиқий билимдони ва моҳир ташкилотчи сифатида намоён этди. Унинг раҳбарлигида Миришкор туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги ўз вақтида пахтачилик, ғаллачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш борасида республикамиздаги илғор ва намунали тажриба мактабларидан бирига айланган эди.

Муродулло Саидов сермазмун умр йўлини босиб ўтди. У қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, бутун куч-ғайрати, билими ва бой тажрибасини мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, ушбу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, қишлоқ аҳлининг фаровонлигини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдек эзгу ишларга бағишлади.

Муродулло Саидовнинг эл-юртимиз олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони, «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган эди. 2002 йили давлатимизнинг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвони билан тақдирланди.

Бутун ҳаётини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган меҳнаткаш ва камтарин инсон, моҳир хўжалик раҳбари, ёшларнинг меҳрибон устози Муродулло Саидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, С. ИСМОИЛОВ, Э. БОҚИБОЕВ

ЖАҲОН 24 соат ичида

АКТ компанияларида қисқариш

Компьютер қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринда турувчи "Сан Микросистемс" компанияси 1500 нафар ходимини ишдан бўшатишга қарор қилди.

Маълумки, ташкилот жорий йил бошида 1300 нафар ходими хизматидан воз кечган эди. Таҳлилчилар компаниянинг шу йўл орқали молиявий инқироздан эсон-омон чиқиб олишини тахмин қилишмоқда.

Таъкидлаш жоиз, ахборот технологиялари компаниялари орасида "Майкрософт", "Гугл", "Интел", "Ай-би-эм" ва "Нокиа" ҳам ишчилари сонини қисқартиришни режалаштирмоқда.

Сув тагидаги топилма

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида чўкиб кетган, АҚШга тегишли юк кемаси Австралиянинг жанубий қирғоқларидан топилди.

Маҳаллий океанларни тадқиқ қилиш маркази маълумотларига кўра, ушбу кема Нью-Йорк шаҳридан Жанубий Австралияга кетаётган вақтда — 1940 йилнинг 8 ноябрь куни минага дуч келиб, ҳалокатга учраган. Ўшанда 39 нафар экипаж аъзосидан бир нафари ҳалок бўлган экан.

Рақобатга дош беролмади

Швециянинг "Electrolux" компанияси Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарувчи корхонасини ёпишга қарор қилган.

Манбада келтирилишича, компания мазкур мамлакат бозоридаги рақобатга дош бера олмагани боис шундай йўл тутишга мажбур бўлган.

"Electrolux" ўтган йилнинг декабрь ойида бутун дунё бўйича ходимлари сонини 3000 тага қисқартиришини билдирганди. Шунингдек, компания 2010 йилга қадар йиллик харажатлари ҳажмини 1,1 миллиард крона (133 миллион АҚШ долларидан ортиқроқ)га камайтиришни режалаштирган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, банк тизимида ўтган йилнинг энг муҳим ютуқларидан бири Ўзбекистон банк тизимига жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликларидан бўлган "Мудис" агентлиги томонидан бирйўла уч йўналиш бўйича "барқарор" рейтинг даражаси берилгани бўлди.

Миллий банк:

БАРҚАРОР ВА ИШОНЧЛИ

Тизимга ижобий баҳо

"Банк тизими учун ижобий баҳо банкларни назорат қилиш муҳити мустаҳкамлигини, банк тизимининг потенциал ўсишини, молия тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини акс эттиради", дейилади мазкур агентлик ҳисоботида. Агентлик айнан шу тамойилларга асосан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ҳам кредит бериш қобилияти бўйича рейтингини ижобий баҳолади.

Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётгани боис ана шундай ижобий натижаларга эришилмоқда. Қувончлиси, тизимда эришилган муваффақиятлар билан чегараланиб қолинмасдан бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

— 2009 йилнинг 1 январь ҳолатидаги даромад миқдоримиз 7746,1 миллион сўмни ташкил қилиб, бу борадаги режани 121,3 фоизга бажардик, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими бошқарувчиси Шунқор Худойбердиев. — Умумий харажатлар миқдори 6812,3 миллион сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 124 фоизга уддаланди.

Банк бўлими ва унинг филиаллари айни пайтда 149658 та мижозга хизмат кўрсатиб келаяпти. 2009 йилнинг биринчи январида банк кредит қўйилмалари 32064,2 миллион сўмни, жумладан, қисқа муддатли кредитлар 14038,2 миллион сўмни, узоқ муддатли кредитлар эса 18020,7 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йил мобайнида банк умумий кредит қўйилмаларининг асосий қисми саноат, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта тайёрлаш, савдо соҳаларига йўналтирилди.

Кредитлар тараққиётга хизмат қилади

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 9 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилга мўлжалланган Инвестицион дастури тўғрисида"ги қарори асосида банк бўлими ва унинг филиалларида ўтган йил мобайнида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Хитой давлат тараққиёт банки (ХДТБ) кредит линияси маблағи ҳисобидан "Афросиёб муз фрукт" шўъба корхонаси мева-сабзавотларни тез музлатиш ускунаси сотиб олиш учун 846732,6 АҚШ доллари, "Тожи Фаоли Элбек" фермер хўжалигига яхна ичимликлар ва мева шарбатини қадоқлаш ускунаси сотиб олишга 712300 АҚШ доллари миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди. Мазкур кредит линиясида қолган 440967,4 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш борасида ҳам амалий ишлар қилинаяпти.

Кичик бизнес субъектларини, тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам таҳсинга лойиқ. Масалан, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йилда банк ўз маблағи ҳисобидан 27335,3 миллион сўм сарфлади. Ва бу борадаги режани 435,2 фоизга уддалади. Асл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун эса банк томонидан 575,6 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Оҳалик-Ломан парранда» — истиқболли корхона

Самарқанд туманида, тоғлар бағрида жойлашган бу корхона 1997 йилдан "Оҳалик-Ломан парранда" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси сифатида фаолият кўрсатиб келаяпти. Корхонанинг асосий фаолият тури — "Ломан Браун" тухуми, "Ломан Браун классик" насллик жўжа ҳамда паррандачилик ғўштини етиштиришдан иборат.

Бугун корхонада 314 мингта товуқ бўлиб, уларнинг 309 мингтасидан тухум олинаяпти. Кейинги уч йилда бу ерда 223 млн. 458 минг дона тухум етиштирилган.

Корхона банк кредити эвазига Германиянинг "Ломан Тирцухт" корхонасидан 5 та замонавий товуқ сақлаш ускунаси сотиб олди. "Оҳалик-Ломан парранда" корпоратив мижозлар сафига киради. Корхонада 2005 йилда 5870886 минг сўмлик ёки 56324 минг дона "Ломан Браун" тухумлари етиштирилган бўлса, 2008 йилга келиб етиштирилган тухумлар сони 10978484 минг сўмликка ёки 61592 минг донага етди. 2009 йилда эса бизнес режага кўра бу ерда 67 миллион дона "Ломан классик" тухумлари ишлаб чиқарилади.

Молия муассасаларида

2005 йилда ҳар бир тухум ҳисобига 12,54 сўм даромад олинган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 17,44 сўмни ташкил этди. 2009 йилда эса у 20 сўмга етказилади. Биргина ана шу кўрсаткичнинг ўзи корхонада банк кредитларидан самарали фойдаланилаётгани, олинаётган соф фойданинг йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатади.

Мазкур тумандаги "Самарқанд парранда" Ўзбекистон — Чехия — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси фаолияти ҳам банк кредитлари эвазига кенгайиб бораяпти. 2008 йилнинг март ойида корхона ишлаб чиқаришини кенгайтириш мақсадида Миллий банк томонидан 3220 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ушбу кредитга Украинанинг "ТЕХНА" фирмасидан замонавий ускуна сотиб олинди. Ушбу ускуна қайта таъмирланадиган саккизта цехга ўрнатилади ва бу цехларда 125 минг атрофида товуқ боқиш имконияти яратилади. Цехлар қайта таъмирлангач корхонада яна қўшимча равишда 118,5 мингта товуқ боқиш имконияти юзага келади.

Ҳаммаси экспортга

"Шарқ саноати" концерни таркибидаги "Афросиёб мева" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси ҳам Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Самарқанд бўлимининг корпоратив мижозларидан бири. Ҳўл меваларни қайта ишлаш, мевали концентрат ҳамда томат пастасини тайёрлайдиган ушбу корхона Булунғур тумани марказида жойлашган.

Корхона 3 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги банк валюта кредити эвазига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган Италияда ишлаб чиқарилган "FBR Elpo" ускунасини сотиб олган ҳамда кредитни муддатидан олдин тўлиқ қайтарган.

Мазкур корхона хизмат кўрсатиш даврида 4948180 минг сўмлик банк кредитларидан фойдаланган. Бугунги кунда эса банк бўлими томонидан корхонани қайта таъмирлаш, ишлаб чиқариш ускуналарини модернизациялаш мақсадида 2064000 АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит расмийлаштирилган.

Корхона маҳсулотлари 100 фоиз Россия ва Украина мамлакатларига экспорт қилинаяпти. 2008 йил мобайнида жами 2817 тонна ёки 2290484 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг 1631,8 тоннасини томат пастаси, 1185,2 тоннасини олма концентрати ташкил этди.

Ёш оилалар — эътиборда

Юртимизда ёшларга доимий эътибор катта. Уларнинг эркин таълим олиши, меҳнат қилиши, фаровон яшаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаяпти. 2007 йилнинг май ойида Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилингани ҳам ана шу ғамхўрликларнинг ёрқин ифодасидир.

Ўтган йили банк бўлимида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаётга кириб келиши, меҳнат фаолиятини бошлашига кўмаклашиш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди. Ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш, дастлабки фаолиятини ташкил қилиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, иммтиёзли равишда қорамоллар олиб бериш каби юмушлар бугун банкнинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Айниқса, ёш оилаларга микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилиши, уларнинг хусусий тадбиркорликни ташкил этишида, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиши, уй хўжалигини йўлга қўйиши, мебель ва бошқа узоқ муддатга фойдаланиладиган уй жиҳозларига эгалик қилишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

2008 йил давомида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 659,8 миллион сўмлик ипотека, 351,7 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди. Микрокредитлар 309 миллион сўмни ташкил этди.

Натижалар — рақамларда

• Бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича банк томонидан аҳоли ўртасида турли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. 2009 йилнинг бошидаги таҳлиллар миллий валютада ва хорижий валютанинг сўмдаги эквивалентида жами 17182,8 миллион сўмлик талаб қилиб олгунча ва муддатли аҳоли омонатлари жалб қилинганлигини кўрсатди.

• Жорий йилнинг 1 январида банк бўлими бўйича жами 72236 дона пластик карточкалар эмиссияга чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пластик карточкалар сонининг 22026 тага ошганлигидан далолат беради.

• Амалиёт бошқармаси ва туман филиаллари орқали савдо ва бошқа ташкилотларда 219 та савдо терминаллари ўрнатилган бўлиб, улар орқали 2008 йил давомида 3061,7 миллион сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди.

• Банкнинг вилоят бўлимида 2008 йилда 26 та нақд пул топширадиган янги мижозлар банк хизматига жалб қилинди. Улар томонидан 1,2 миллиард сўм миқдорида қўшимча пул банк бўлими хазиналарига тушириди.

• Банк бўлими томонидан ўтган йил мобайнида хизмат кўрсатиладиган мижозлар билан 333 та иш ҳақи лойиҳалари шартномалари тузилиб, улар орқали 2009 йилнинг 1 январигача 3316,5 миллион сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг пластик карточкаларга тушириши таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилоят бўлими нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банк депозитларига жалб этиш, уларнинг нақд пулга бўлган талабини узлуксиз қондириш борасида ўтган йили самарали иш олиб борди. Банк бўлими иқтисодиётнинг реал секторини молиявий барқарорлаштириш, уларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизациялаш мақсадида инвестицион молиялаштириш борасида фаоллик кўрсатаяпти. Кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий хизматлар кўрсатиш даражасини янада яхшилашга мунтазам ҳисса қўшиб келаяпти. Бундай эзгу ҳаракатлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янада жўшқинлик билан давом этади, банк мижозларнинг энг яқин ва энг ишончли кўмакчиси бўлиб қолади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛДАН 27 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Автоколларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 февралдаги 5/1-сонли буйруғи.*

2009 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913 (2009 йил 10 мартдан кучга киради).

2. «Санаторий-тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 16 февралдаги 5-сонли қарори.*

2009 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 473-1 (2009 йил 14 мартдан кучга киради).

3. «Марказий депозитарий ва иккинчи босқичдаги депозитарийлар, фонд биржалари, биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси тизими ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарорга ўзгартишлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказ бошқарувининг 2009 йил 11 февралдаги 2009-12-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1041-1 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

4. «Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ваколатларни шакллар қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Қарорга, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 26 февралдаги 2009-15, 26, 8-сонли қарори.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1212-1 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

5. «Иктирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, тошириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 5 февралдаги 23-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1329-2 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 6 февралдаги 18, 2/8, 2008-47-сонли қарори.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1914 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

7. «Қимматли қоғозлар профессионал иштирокчиларнинг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказ бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сонли буйруғи.*

2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919 (2009 йил 19 мартдан кучга киради).

12. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказ бош директорининг 2009 йил 3 мартдаги 2009-17-сонли буйруғи.*

2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1258-2 (2009 йил 19 мартдан кучга киради).

13. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 68-мс-сонли буйруғи.*

2009 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1920 (2009 йил 24 мартдан кучга киради).

14. «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 69-мс-сонли буйруғи.*

2009 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921 (2009 йил 24 мартдан кучга киради).

15. «Пахта толасининг ички ва ҳаҳжатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 23 февралдаги 8-сонли буйруғи.*

2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).

16. «Оқсуғи касалликкга чалинган ҳайвонларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 февралдаги 8/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1923 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).

17. «Авиация ишларига маносиб хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат назорат ҳавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 12 февралдаги 13-сонли буйруғи.*

2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1924 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).

18. «Пахта тозлаш ва канап-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яхта тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул бериш бўйича намунавий меъёрларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 мартдаги 10/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1925 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).

(Давоми бор).

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 20 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-I-481/2008-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, ХЕАТ «Парвина» банки ва унинг тизимидаги хўжалик юритувчи ташкилотларга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:

Самарқанд шаҳри, Аэропорт ҳудуди, Лочин кўчаси, 9-уй, «Парвина қурувчи» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:

а) «ЗИЛ-ММЗ-45021» русумли автомашина, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 071, техник носоз. *Бошланғич баҳоси — 117 000 сўм.*

б) «КАВЗ-685» русумли автобус, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 066, техник носоз. *Бошланғич баҳоси — 163 800 сўм.*

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси шу йилнинг 11 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

Шунингдек, 2009 йил 4 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, «Парвина қурувчи ПВС» МЧЖга тегишли мол-мулклар (ускуна ва жиҳозлар, сантехника жиҳозлари, офис мебеллари, маиший техника воситалари ва бошқа мулклар). *Бошланғич баҳоси — 173 786 264 сўм.*

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, I-қават, I-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5^3 в/ч дан 500^3 в/ч гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ



БЕМОРЛАРГА ШИФО БАҒИШЛАБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — дейди Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази Бош шифокори Шуҳрат Ҳошимов. — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ана шу мақсадда соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган бир қатор ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этилган бўлиб, уларда юқори малакали мутахассис амалиётчилар ва олимлар фаолият олиб бормоқда. Буларнинг барчаси доимий равишда ишимизни такомиллаштиришга кўмаклашади. Зеро, асосий мақсадимиз — одамларга ўз саломатлигини тиклашда ёрдам беришдан иборат. Марказимиз турли давлатларнинг шу йўналишдаги етакчи тиббий муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Дунёдаги етакчи жарроҳлик марказларидан бири ҳисобланган Италиянинг "Риунити" клиникаси билан ҳамкорлик ўрнатилгани ва тобора ривожланаётгани ўзаро тажриба алмашиш, даволашнинг янги усулларини ўзлаштириш имконини беради. Масалан, италиялик шифокорларда биз амалга ошираётган юракка кам шикаст етказувчи жарроҳлик усуллари қизиқиш уйғотди ва улар ушбу усуллардан ўз ишида фойдаланиш ниятини билдирди.

Айни пайтда ўзбекистонлик ва италиялик мутахассислардан иборат навбатдаги делегациялар алмашинуви режалаштирилмоқда. Пойтахтимизга юрак хасталиклари бўйича пластик амалиётларга ихтисослашган шифокорлар гуруҳи ташриф буюради, Италияга эса ўзбекистонлик жарроҳлар европалик шифокорлар томонидан амалга ошириладиган операцияларда иштирок этиш учун жўнаб кетади. Юрак билан боғлиқ энг мураккаб хасталикларни даволаш бўйича амалий ва назарий билимлар, кўникмалар борасида бундай тажриба алмашув нафақат ўзбекистонлик кардиологларнинг иш сифатини янада оширишга, балки ўзларининг тажрибасини чет мамлакатларда оммалаштиришга ҳам хизмат қилади.

— Ўзбекистонга аввал ҳам бир неча бор келганман, — дейди катта ёшлилар кардиожарроҳлиги бўйича италиялик шифокорлар гуруҳи раҳбари Амедео Терци. — Ҳамкорликда олиб борилган иш жараёнида ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг малакаси юқори эканига ишонч ҳосил қилдим. Мамлакатингизда тиббиётнинг ривожланганлигига, янги технологияларни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман. Шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар малакаси доимий равишда ошиб бормоқда. Клиникаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик жуда яхши натижалар бераётир. Ўйлайманки, бу бундан кейин ҳам самарали ривожланиб бораверади.

— Бундай тажриба алмашиш ниҳоятда истиқболли бўлиб, ҳар икки томон учун ҳам бирдек фойдалидир, — дейди "Риунити" клиникасининг етакчи анестезиологи Жиованни Дидеда. — Бундан ташқари, менда диёрингизга нисбатан қизиқиш жуда кучли. Чунки Ўзбекистон ниҳоятда бой тарих ва маданиятга эга мамлакат. Иш режамиз тиғиз бўлишига қарамай, Тошкентнинг тарихий ёдгорликлари билан танишиш, Самарқандни кўриш имкониятига эга бўлдик. Ўтган йили Бухорога сафар қилган эдик. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги кишини ҳайратга солади. Ўйлайманки, бундай олижаноб ва танти одамларнинг доимо йўли очиқ бўлади, улар эзгу мақсад-муддоаларига, албатта, етади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЭЗГУЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Мусиқа инсон қалбини соф ва беғубор ҳисларга ошно этгувчи, кўнгилларни эзгуликка чорловчи мўъжизавий кучдир. Зеро, киши куй-навонинг сеҳрли оҳанглари оғушида ҳаёт гўзаллигини ҳис этади, вужуд ва шуур маънавий-руҳий юксалиш сари юз тутади. Шу боис, юртимизда ёш авлоднинг санъат ва мусиқага меҳр қўйиб улғайиши, ёш истеъдод соҳибларининг бу борадаги қобилият ва иқтидорини кенг намоён этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, мусиқа санъатини ривож топтириш йўлида қатор дастурлар ишлаб чиқилди, миллий санъатимиз ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида кўплаб нуфузли танлов ва фестиваллар ўтказилди. Кези келганда, шуни айтиш жоизки, бундай хайрли тадбирларни ташкил этиш ва уларнинг мунтазамлигини таъминлашда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида санъатимиз ривожига хизмат қилувчи кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди уюшма раиси Рустам Абдуллаев. — Буни ёш истеъдодли фарзандларимизнинг халқаро миқёсдаги тадбирларда иштирок этиб, ҳавас қилса арзигулик ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритаётганликлари билан ҳам изоҳлаш мумкин. Фазлиддин Ҳусанов, Малика Норматова, Абдумалик Абдуқаюмов, Гулруҳ Шокирова, Элеонора Котлибулатова, Улуғбек Полвоновдек ёшларимиз ноёб иқтидорларини намоён этиб, юртимиз довруғини жаҳонга ёйдилар. Булар, шубҳасиз, мамлакатимизда ёш авлоднинг мусиқий билимини бойитиш, фарзандларимиз жаҳон мусиқа санъатининг дурдона асарларини чуқур ўрганишлари учун, қолаверса, уларнинг мумтоз куйларимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбия топишлари йўлида олиб борилаётган оқилона тадбирлар самарасидир. Ана шундай эзгу ишларга бош қўшиш мақсадида уюшмамиз ҳам қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Айнан ёшлар орасида мусиқа илми ва санъатига бўлган қизиқишни кучайтириш, истеъдодли йигит-қизларни муносиб рағбатлантириш борасида турли фестиваль ва кўрик-танловлар ўтказиб келинаяпти. Бунга мисол тариқасида Халқаро симфоник мусиқа фестивали, "Бойсун баҳори", "Куз наволари", "Давр садолари", "Илҳом XX" замонавий камер мусиқа фестивали каби тадбирлар, "Янги номлар", Назира Аҳмедова номидаги республика хонандалар танлови, "Ёш бастакорлар", "Ёш мусиқашунослар", "Санъат ғунчалари" синфари мунтазам ўтказиб келинаётган кўрик-танловларни қайд этиш мумкин. Қувонарлиси, мазкур танловлар лауреатлари бўлмиш кўплаб ёшларимиз Германия, АҚШ, Нидерландия, Хитой, Россия, Грузия, Қозоғистон давлатларида ўтказилган халқаро фестиваллларда юқори поғоналарни забт этишга муваффақ бўлдилар.

— Ўтган йил номланиши ва мазмун-моҳиятига кўра, юртимиз ёшларига кўрсатилаётган беқиёс имкониятларнинг яна бир амалдаги тасдиғи бўлди. У навқирон йигит-қизларимизнинг куч ва салоҳиятини ишга солишда кенг имкониятларга йўл очиб берилган йил сифатида кўпчиликнинг ёдида қолди, дейиш мумкин. Шу маънода Бастакорлар уюшмаси ташаббуси билан навқирон ижодкорлар, бўлажак бастакор ва мусиқашунослар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида Ёшлар йилида қандай ишлар амалга оширилди?

— Дарҳақиқат, Ёшлар йилида ўғил-қизларимизнинг ҳар жабҳада салмоқли натижаларга эришишлари учун қатор мақсадли дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Биз ҳам "Ёшлар йили" Давлат дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда санъатга ихлосманд йигит-қизларимиз иқтидорини юксалтириш борасида қатор тадбирлар режасини ишлаб чиққандик. Унга мувофиқ, кўплаб танловлар, турли ижодий кечалар ва концерт дастурлари ўтказилди. Хусусан, Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш бастакорлар асарларидан тузилган махсус дастур намойиш этилди. Бунда талаба йигит-қизлар ижодига тааллуқли кўплаб ижод намуналари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Ёш мусиқашунослар танловида эса бўлажак мутахассисларнинг оммавий ахборот воситаларида чоп этилган илмий-оммабоп мақолалари нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди ва ғолиб иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди. Бундан ташқари, ёш бастакорлар кўрик-танлови, талабалар халқ чолғу оркестри концерти, "Давр садолари II" мусиқа фестивали доирасидаги турли концерт дастурлари ва кўргазмаларни қайд этиш жоиз. Бу сингари тадбирлар баҳона ёшлар устоз санъаткорларнинг маҳорат сабоқларида иштирок этдилар ва бу устоз-шогирд анъанасининг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Аёнки, ҳар қандай соҳанинг тараққий этишида яратилган ўқув қўлланмалари ва илмий асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Соҳа билимдонларининг бастакорлик илми борасида санъат ихлосмандларига кенг тушунча бера оладиган қандай асарларини тилга олиш мумкин?

— Энг аввало, бу борада фаоллик кўрсатаётган муаллифларимиз, яъни уюшма аъзолари хусусида тўхталиш жоиз. Жумладан, Инна Гульзарова, Аҳмад Жабборов, Ботир Матёқубов, Сойиб Бегматов сингари мусиқашунослар номини мамнуният ила қайд этсак арзийди. Чунки улар яратган асарларда мумтоз наволаримиз замиридаги маъно-мазмун, миллий санъатимиз ва жаҳон қўшиқчилиги тарихига дахлдор куй-қўшиқларнинг туб моҳияти, яратилиши билан боғлиқ тадқиқотлар, мавжуд мумтоз куйларни қайта ишлаш санъати борасидаги жиҳатлар тўлиқ қамраб олинган. Ушбу қўлланма, тўплам ва монографияларда мақомот санъатидан тортиб опера драматургиясигача бўлган йўналишлар — ўрганишга, тадқиқ этишга ва амалиётда қўллашга арзийдиган янгича мавзулар қаламга олингандир. Албатта, бастакорлик илми билан боғлиқ янада мукаммал асарлар яратиш, ёш мутахассисларнинг мусиқий билимини, тушунча ва тасаввурларини бойитишга хизмат қиладиган рисолалар уюшма аъзолари муаллифлигида янада кўпроқ чоп этилиши лозим. Негаки, кўп йиллар давомида ижод билан шуғулланган санъаткор, куй сеҳри ва жозибасини дилдан ҳис эта оладиган бастакор яратган илмий асар, шубҳасиз, таъсирчан ва ҳаётий мисолларга бой бўлади.

Санъат

— Куй сеҳрини дилдан ҳис этиш ҳақида гапирдингиз. Сизнингча, мусиқий оҳанг жозибаси, унинг кўнгилларга таъсири нималарда намоён бўлади?

— Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарида мусиқа санъатига мана бундай лўнда таъриф берилган: "Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади". Ушбу мушоҳаданинг ўзиёқ, кўнгил мулки саналмиш куй-навонинг нечоғли сеҳрли кучга, юксак қудратга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Ахир, юракдан ўтказиб, қалбан ҳис этиб яратилган, кўнгилдаги самимий туйғулар ифодаси ўлароқ вужудга келган куй ва оҳанг қалбнинг тубтубига етиб бормаслиги мумкинми? Қалб жунбушга келгач, у, албатта, ўз сўзини айтади. Яъни, кўнгилнинг бу тахлит мусаффо ҳислардан бахрамандлиги, чин инсоний туйғуларга ошуфта бўлмоғи унинг эзгуликка юз тутмоғидир. Зеро, санъат ва мусиқага ошно инсон ҳамиша яхшиликлар соҳиби бўлишини ҳаётнинг ўзи неча бор исбот этган.

— Бугун бастакорларимиз ижодида ана шундай қалб малҳамига менгзаса арзирли асарлар мавжудми?

— Албатта. Кейинги йилларда ўзбек бастакорлари кўпгина саҳна асарлари, хусусан, опера, балет, мусиқали драма ва спектакллар, қолаверса, бадиий ва телевизион фильмлар учун мусиқа ҳамда йирик жанрдаги чолғу асарларини яратдилар. Булар сирасига Иқром Акбаровнинг "Жалолиддин Мангуберди" операсини, Фарҳод Алимовнинг "На фалакман, на фаришта" номли мусиқали драмаси, Алишер Икромовнинг "Темурий маликалар" телебалети каби ижод намуналарини киритиш мумкин. Ва қувонарлиси шундаки, бугун бундай бетакрор асарлар муаллифи саналмиш истеъдодли бастакорлар сафида Ойдин Абдуллаева, Дилноза Зокирова, Хуршида Ҳасанова, Жаҳонгир Шукуров сингари ёш ижодкорлар ҳам бор. Уларнинг "Фаришталар аёл", "Дарахтлар тик туриб жон беради" (О.Абдуллаева), "Тузоқ" (Д.Зокирова), "Меҳр-мурувват қўшиғи", "Ягона Ватан" (Х.Ҳасанова) каби мусиқий драма, комедия, қўшиқ ҳамда опера балети жанрларидаги ижодий изланишлари самарасини ана шундай дилдан куйланадиган ва юракка йўл топа оладиган асарлар дейиш мумкин. Шу каби юздан зиёд бетакрор наволар юртимиз ҳамда жаҳон миқёсида ўтказилган байрам тадбирларида, йирик фестиваль ва кўрик-танловларда жаранг сочиб, олқишларга сазовор бўлаяпти. Қолаверса, ўзбек бастакорлари ижодига бағишланган концерт дастурлари Туркия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Миср, Испания, Франция, Германия сингари давлатларда мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Буларнинг бари озод юртимизда санъатга бўлган юксак эътибор, истеъдодли ижодкорлар меҳнатини юзага чиқариш ва рағбатлантириш борасидаги ғамхўрликлар натижасидир. Зотан, Истиқлол биз ижод аҳлига Ўзбекистон аталмиш юрт вакили сифатида жаҳонга танилиш, ўз ижодимизни эминэркин тарғиб этиш имконини берди. Бу эса янгидан-янги номларни кашф этиш, санъатимиз келажагининг мустаҳкам асосини яратишда ҳам заруррий жиҳатлардан биридир.

Муборак ОХУНОВА
суҳбатлашди.

«Санъат ғунчалари» ғолиблари

Ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлашда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг ҳам муносиб ўрни бор. Жамғарма ташаббуси билан мусиқа мактаблари ўқувчилари ўртасида "Санъат ғунчалари" кўрик-танловининг ўтказиб келинаётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Танлов

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида мазкур танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, шунингдек, Тошкент шаҳридаги мусиқа мактабларида таълим олаётган, вилоят, шаҳар босқичлари ғолиблари бўлган 9 ёшдан 14 ёшгача 70 нафар ёш мусиқачи ўзаро беллашди.

Муросасиз кечган баҳсларда скрипка, виолончел, фортепьяно ижрочилари Азиз Эргашев, Лола Қилбоева, Тамара Акбарова, Шохрух Раҳимбердиев, Влада Гусейнова сингари ёш иқтидорлар кашф этилди. Танлов ғолиблари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЮКСАЛИШ ВА ЗИЁ МАСКАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, барча қулайликлар муҳайё этилган, замонавий технологиялар билан таъминланган мазкур даргоҳ доимо ёшлар билан гавжум. Бу ерда компьютер сирларини ўргатувчи махсус курслар ҳам ташкил этилган бўлиб, мунтазам равишда "Маслаҳатлар куни" ўтказилади. Электрон каталог яратиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Яна бир эътиборли жиҳати, марказда ёш китобхонлар интернет тармоғидан бепул фойдаланишлари мумкин.

Марказ директори Зулфия Сейитниязованинг таъкидлашича, зиё масканининг доимий китобхонлари сони 8 минг нафардан ошиб кетган. Улар бу ерда жамланган турли китобларни мутолаа қилиш билан бирга, мамлакатимизда нашр этиладиган 24 номдаги газета ва журналлар орқали Ўзбекистон ҳамда дунё мамлакатларида юз бераётган муҳим янгиликлардан бохабар бўлишади, қизиқарли мақолалар орқали билими, савияси ва маънавий оламини бойитиб борадилар.

Муҳими, келгусида кичик ёшдаги китобхонлар учун яратилаётган бундай имконият ва қулайликларни янада кўпайтириш кўзда тутилган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(2 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 7-12 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёмғир ёғади. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 9-14, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 10-12, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Суратларда Ватан мадҳи

Пойтахтимиздаги А. Хўжаев номидаги республика Дизайн коллежида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган расмлар кўргазмаси ҳамда "Илҳом парилари" ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кўргазма

Кўргазмада коллеж ўқувчиларининг юзга яқин расм, сўзана, кашталари ва бадиий наққошликка оид ижодий ишлари намойиш этилди. Уларда азим пойтахтимизнинг ҳусни таровати ёрқин бўёқларда акс этган. Бу эса ёшларнинг Ватанимиз ва унинг бош кентига бўлган эҳтироми ва ҳурмат ҳисси баланд эканлигидан далолатдир.

"Илҳом парилари" ҳайкали Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари томонидан яратилган эди. Ушбу ҳайкал тантанали равишда коллеж саҳнига кираверишга ўрнатилди.

Д. СОДИҚОВ.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги
Жоллибай Тангирбергенович ИЗЕНТАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши раиси Иқбол Мирзога рафиқаси
Гулнора АКБАРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси компания ходими Жавлон Ҳамидовга волидаи муҳтарамаси
Машкура ҲАМИДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zagrosug'urta" давлат акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви жамоаси Самарқанд вилояти дирекцияси бош ҳисобчиси Жамолиддин Мамазиётовга падари бузруквори
АБДУАҲАД отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик судининг судьяси Ўктам Отаевга онаси
Бибиш ОТАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисод институти жамоаси академик, Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи
Омон Ҳикматович ҲИКМАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича республика чемпионати бўлиб ўтди.

Бу ерга ташриф буюрган минглаб ишқибозлар икки кун давомида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган 300 нафарга яқин спортчилар иштирокидаги қизғин беллашувлар гувоҳига айланишди. Мусобақа Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шарқ якка курашлари ва жанг санъати маркази билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

— Кикбоксинг дунёда жадаллик билан оммавийлашиб бораётган спорт турларидан саналади, — дейди Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошҳўжаев. — Ҳар йили мазкур спорт тури бўйича ўндан ортиқ анъанавий халқаро мусобақалар ташкиллаштирилади. Республика чемпионатида ана шу нуфузли турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар саралаб олинди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аввалги беллашувларда аксарият ҳолларда пойтахтлик спортчилар шоҳсупадан жой олишарди. Вилоятларда ҳам кикбоксингни ривожлантиришга берилаётган эътибор натижасида ғолиблар географияси ҳам кенгайди.

Энди бевосита мусобақаларга тўхталадиган бўлсак, шахсий биринчиликда Жамолиддин Салимжонов, Муҳаммадали Тоштурғунов, Алишер Абдуллаев сингари жами ўндан ортиқ спортчилар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида эса Тошкент шаҳри вакиллари энг кўп медаль билан шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Андижон вилояти спортчилари иккинчи, Қорақалпоғистон кикбоксингчилари учинчи ўринни эгаллашди.



Кеча футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2010 йил бўладиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи саралаш босқичининг еттинчи тур учрашуви доирасида сафарда Австралия терма жамоаси меҳмони бўлди.

ҲАЛИ УМИДИМИЗ СЎНГАНИ ЙЎҚ

Эсингизда бўлса, бундан аввалги шарҳимизда шу кунгача ҳеч ким Австралия терма жамоаси дарвозасига тўп кирита олмаётгани, футболчиларимиз ушбу вазифани уддалашига умид билдиргандик. Гап шундаки, иккинчи бўлим охирларида Анвар Солиев мезбонлар дарвозасига тўп киритди. Аммо учрашув бош ҳаками буни ҳисобга олмади. Умуман, бу ҳакам томонидан қўйилган ягона хато эмас. Беллашув эса 2:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди. Шу ўринда вакилларимиз, асосан, Европанинг номдор клубларида тўп сурадиган футболчиларга қарши баҳсда ўзларини йўқотиб қўйишмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Нима бўлганда ҳам, учинчи ўрин учун кураш олиб боришга ҳали имконият бор. Футболчиларимиз бунинг учун сафарда Баҳрайн, ўз майдонимизда эса Япония терма жамоаларига қарши муносиб ўйин намойиш этишлари керак.

З. ЖОНИБЕКОВ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ — Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади — Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! — ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 44780 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошҳўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.30